



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
кељагаи
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2020 йил 6 февраль, № 27 (7529)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТАШҚИ САВДО ЖАРАЁНИДАГИ МУАММОЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 февраль куни ташқи иқтисодий фаолият тизимини ислоҳ қилиш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида ташқи савдо билан боғлиқ назорат тизими ва инфратузилмани яхшилаш, жумладан, хорижий тажрибадан келиб чиқиб, божхона постларида назоратни амалга оширадиган божхона, санитария, карантин, ветеринария ва бошқа идоралар фаолиятини ислоҳ қилиш лозимлигини таъкидлаган эди.

Бу соҳада узок йиллардан буён тизимли ишлар олиб борилмагани ташқи савдо амалиётида муайян қийинчиликлар туғдирмоқда. Жаҳон банкининг “Бизнес юртиш” рейтингда “Халқаро савдо” йўналиши бўйича мамлакатимиз 190 та давлат орасида 152-ўринда қайд этилгани ҳам шундан далолат беради.

Йиғилишда мазкур рейтингда мамлакатимиз позициясини яхшилаш, жаҳон тажрибаси асосида назорат идораларининг ишини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Маълумки, кўплаб давлатларда юрлар чегарага этиб келмасидан олдин улар ҳақида ахборот берилиб, юкнинг тез чиқиб кетиши таъминланади. Ўзбекистонда эса ўтган йили 416 мингта декларациядан атиги 344 таси юк чегарага келгунча расмийлаштирилган. Юк тўғрисида олдиндан маъ-

лумот бериш автомобиль транспортда 98 фоизни ташкил этса, темир йўлда умуман йўлга қўйилмаган.

Шу боис назоратни чегарада эмас, балки юрлар кириб келишидан олдин ёки мамлакат ичка-расида эркин муомалага чиқарилгандан кейин амалга ошириш тизимини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Бугунги кунда 1 минг 836 турдаги товар бир вақтда учта идора томонидан текширилиши, оқибатда импорт-экспорт ҳужжатларини расмийлаштириш ҳафалаб чўзилаётгани танқид қилинди. Божхона, ветеринария, карантин, санитария, стандарт, экология идоралари иш услубини ўзгартириши, уларнинг асосий вазифаси маҳсулотлар экспортини қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиши зарурлиги қайд этилди.

Товарларнинг божхона қийматини тезкор аниқлаш имконияти бўлмаганда, тадбиркор тўлов қилиб ўша заҳоти маҳсулотини олиб кетадиган, бунга аниқлик киритилганидан кейин фарқни тўлайдиган тизим жорий этиш муҳимлиги таъкидланди.

Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасига халқаро экспортларни жалб қилган ҳолда, янги Божхона кодексини ишлаб чиқиш, божхона органлари таш-

килий тузилмаси ва маъмурият-чилигини такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ходимлари экин майдонларига чиқиб, хорижий мамлакатларнинг кимёвий ва биологик воситаларни қўллаш бўйича талабларини деҳқонларга тушунтирадиган, амалий кўмак берадиган тузилмага айланиши лозимлиги қайд этилди.

Президентимиз рақамли технологияларни жорий қилиб, инсон омилни максимал қисқартириш орқали коррупция ва ноқонуний товар айланмасига барҳам бериш зарурлигини таъкидлади.

Импорт маҳсулотларининг чегарадан то охиригича истеъмолчига-ча бўлган ҳаракати божхона ва солиқ идоралари томонидан ягона электрон тизим орқали назорат қилиниши керак. Мисол учун, божхона декларациясини электрон ҳисоб-фактура ва онлайн назорат кассасига боғлаш орқали бу масалани ҳал этиш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга рухсатнома ва лаборатория текширувлари ҳужжатларини тўлиқ рақамлаштириш, автоматлаштирилган “риск-анализ” тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда юрларни чегара пунктларидан ўтказиш вақтини қисқартириш масаласи атрофи-ча муҳокама қилинди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўнгги 3 йилда қўшни давлатлар билан чегара орқали ўтган инсонлар сони 2 баробар, транспорт воситалари сони қарийб 3 баробар ошган. Лекин ҳозирги инфратузилма бундай талабга тўла жавоб бермайди. Масалан, айрим ветеринария ва карантин пунктларида зарур жиҳозлар йўқ. Чегарадаги санитария ва эпидемиология хизмати ҳам ташқи хавфларга тайёр эмас.

Юрлар оқимини тақсимлаш ишлари оқилона ташкил этилмаган. Божхона хизматида постларни масофадан назорат қилиш тизими — Ситуацион марказ йўқлиги оқибатида постларда тирбандликлар пайдо бўлмоқда. Бу тадбиркорлар учун ҳам, Давлат бюджетини учун ҳам ортқича харажат келтириб чиқармоқда.

Шу боис мутасаддиларга чегара постларини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, жорий йил 1 октябрга қадар Ситуацион марказини ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди. Шунингдек, чегарадош давлатлар билан юрларни “бир бекатда текшириш” тизимини йўлга қўйиш лозимлиги қайд этилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
«ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ
ЖАЗОСИНИ ЎТАЁТГАН,
ҚИЛМИШИГА ЧИН КЎНГИЛДАН
ПУШАЙМОН БЎЛГАН ВА
ТУЗАЛИШ ЙЎЛИГА ҚАТЪИЙ
ЎТГАН БИР ГУРУҲ ШАХСЛАРНИ
АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ
ФАРМОНИГА

ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
«Озодликдан маҳрум этиш жазосини
ўтаётган, қилмишига
чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва
тузалиш йўлига қатъий ўтган
бир гуруҳ шахсларни афв этиш
тўғрисида»ги Фармонни
имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан, билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган жазо муддатини ўтаётган **58** нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **41** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, **3** нафарига тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилади, бир сўз билан айтганда, **44** нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинмоқда. Шунингдек, **14** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг **2** нафарини аёллар ташкил этади.

Бу воқеа юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг, халқимизга хос бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олижаноблик ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби эзгу фазилатлар намоён бўлганлигининг амалий ифодасидир.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш юзасидан масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИ СИФАТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ҚУРИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қурилиш-монтаж ишлари сифатини янада ошириш, қурилиш соҳасидаги назорат қилувчи инспекциялар ролини кучайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5577-сон Фармонида мувофиқ:

1. Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмасининг **2020 йилнинг 1 апрелидан бошлаб қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш объектилари** (кейинги ўринларда — объектилар) **учун хавф-хатарлар тоифалари ва объектиларнинг функционал мақсадларидан келиб чиққан ҳолда давлат қурилиш назоратининг такомиллашган янги тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.**

Қурилиш вазирлиги манфаатдор вазирлиш ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи Объектиларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламентни тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

объектиларнинг **лойиҳа ҳужжатларини экспертиза қилишга, объектиларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш тартиби ва даврийлигига қўйиладиган табақалашган талабларни уларнинг хавф-хатарлар тоифаси ва функционал мақсадларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш;**

қурилиш якунланганидан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари қошидаги қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари (кейинги ўринларда — ҳудудий инспекциялар) томонидан

объектининг қурилиш соҳасига оид қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини инструментал техник текширувдан ўтказишни жорий қилган ҳолда, **хавф-хатар тоифаси юқори бўлган объектиларда техник ва муаллифлик назоратини амалга оширувчи шахсларга** қўйиладиган малакавий талаблар ва уларнинг жавобгарлигини кучайтириш;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат **инспекцияси** (кейинги ўринларда — Инспекция) ва ҳудудий инспекциялар инспекторларига, шунингдек, **хавф-хатар тоифаси юқори бўлган объектиларда техник ва муаллифлик назоратини амалга оширувчи шахсларга** қўйиладиган малакавий талаблар ва уларнинг жавобгарлигини кучайтириш;

“Қурилишдаги назорат” қўйи тизимини 2020 йил 1 июндан бошлаб Тошкент шаҳрида синов тарикасида ишга туширган ҳолда, 2020 йил давомида “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида давлат қурилиш назоратини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан, электрон ҳужжат алмашинувини босқичма-босқич жорий этиш.

2. Инспекция ва ҳудудий инспекцияларга давлат қурилиш назоратини амалга ошириш доирасида:

бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи конструктив ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатларда **қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туриш ва демонтаж ишларини амалга оширишни талаб қилиш;**

юридик ва жисмоний шахсларга объектдаги ҳуқуқбузарликларни бартараф қилиш учун мос равишда, бироқ 60 кундан ортқ бўлмаган муддатни белгиланган ҳолда, **аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;**

(Давоми 2-бетда).



Парламент ҳаёти

ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЖБУРИЙ МЕҲНАТНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДА

Яхши иш инсон ҳаётини тубдан ўзгартира олганидек, муносиб меҳнат шaroитлари асосида яратилган иш ўринлари бутун бошли жамиятларни янги тараққиёт босқичига олиб чиқиши мумкин. Халқаро стандартлар асосидаги иш ўринларини яратиш имкониятини янада яхшилаш Ўзбекистоннинг келгусидаги муваффақиятли ривожланишини ҳал қилувчи омиллардан биридир.

Бу ҳақда пойтахтимизда ўтказилган “Ислохотларни қўллаб-қувватлаш йўлида муносиб меҳнатни таъминлаш” мавзусидаги халқаро давра суҳбатига айтиб ўтилди.



3



ЮРТИМИЗДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР ХОРИЖ МАТБУОТИДА КЕНГ ЁРИТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишлар жараёни ва давлатимизнинг ташқи сиёсат майдонида эришаётган ютуқлари хорижий оммавий ахборот воситаларида ўз акс садосини бермоқда.



“The New York Times” газетаси (АҚШ) Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Майкл Помпеонинг жорий йил 3 февраль куни юртимизга амалга оширган расмий таширифи ҳақида ҳикоя қилар экан, Тошкентда минтақавий ва жаҳон сиёсатида доир муҳим сиёсий баёнотлар эълон қилинганини таъкидлаб ўтди.

Нашрда ёзилганидек, Помпео Ўзбекистонга таширифи мобайнида республика раҳбарияти ва расмий вакиллари билан мулоқот ўтказди. “Расмий Тошкент сўнгги йилларда Афғонистонда тинчлик ўрнатишга муҳим ҳисса қўшиб келмоқда... Майкл Помпео Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга Афғонистон бўйича тинчлик музокараларини олға суришда Вашингтон билан яқин стратегик шерикчилик ўрнатгани учун миннатдорлик билдирди”, дейилади “The New York Times”да.

Таъкидланишича, расмий Вашингтон Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги савдо алоқалари ушбу давлатда тинчлик ўрнатиш учун муҳим аҳамият касб этишига комил ишонч билдирмоқда.

“Almoustahlek” газетасида (Саудия Арабистони) жорий йилнинг март ойида бўлиб ўтиши кутилаётган Тошкент халқаро инвестиция форуми ҳақидаги шарҳ эълон қилинди. Айтиб ўтилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда инвестиция муҳити сезиларли даражада яхшиланиб, бу борадаги қонунчилик янгиланди, инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар мустаҳкамланди. Натижада тўғридан-тўғри хорижий сармоялар миқдорининг кескин ортishi кузатилаёттир.

“Мамлакатга чет эл капитални оқимини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти



Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан март ойида Тошкент халқаро инвестиция форуми ўтказилиши режалаштирилган, — деб ёзилади нашрда. — Тадбирда иқтисодиёт ва бизнес соҳасида 1500 дан ортқ халқаро ва Ўзбекистон компаниялари раҳбарлари, инвесторлар ва халқаро оммавий ахборот восита-

лари иштирок этиши кутиляпти”. Саудиялик журналистлар ишонч билан айтишларича, Тошкент форуми Марказий Осиёнинг халқаро инвестиция бозоридаги ролини ошириш бўйича стратегияларни муҳокама қилиш борасида минтақадаги энг йирик халқаро платформага айланади.



The Times of Central Asia

Ҳиндистоннинг “The Times Of Central Asia” журнали вакиллари эса АҚШ тарафи Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича тараққиётини юқори баҳолаганини алоҳида қайд этган. “Хусусан, Тошкентга таширифи чоғида Помпео Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун шарт-шaroитлар яратиш, мажбурий меҳнатни бартараф этиш, оммавий ахборот воситалари фаолияти йўлидаги чекловларни бекор қилиш, одам савдосига чек қўйиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида илқ фикр билдирди”, деб ёзади нашр муҳбири.



INDEPENDENT

Ўз навбатида, Буюк Британиянинг “The Independent” ва АҚШнинг “The New York Post” газеталарида республикаимиз ЮНВТО (Жаҳон сайёҳлик ташкилоти) рейтингига туризм соҳаси энг жадал суръатларда ривожланаётган “Топ-20 мамлакат рўйхати”дан ўрин олгани ҳақида мақола чоп этилди. Инглиз журналистларининг қайд этишича, сўнгги йилларда Ўзбекистон Марказий Осиёдаги муҳим сайёҳлик нуқтасига айланиб борапти. Ушбу тармоқнинг йиллик ўсиш суръати 27,3 фоизни ташкил қилаётгани бунинг тасдиғидир. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон рейтингнинг тўртинчи поғонасидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Анвор МИРЗАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИ СИФАТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ҚУРИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун **лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатларни тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш** масалаларини ҳал қилиш юзасидан тегишли органлар ва ташкилотларга тақдимномалар юбориш;

объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар қўлланилгани аниқланган ҳолларда, **қурилиш материаллари ва буюмлар ишлаб чиқариш, сотиш ва қўллашни тўхтатиб туриш** ҳақида тегишли орган ва ташкилотларга тақдимномалар юбориш ҳуқуқи берилсин.

3. Қуйидагилар:

а) 2020 йил 1 мартдан бошлаб бюджет тизимидаги бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган объектлардан ташқари **капитал таъмирлаш объектларида** давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича талаблар;

б) Инспекция ва ҳудудий инспекциялар томонидан қурилишни тугалланган объектлардан фойдаланишга рухсат бериш тартибини жорий қилган ҳолда, уларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича мавжуд тартиб-таомиллар қуйидаги муддатларда босқичма-босқич бекор қилинсин:

молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, хавф-хатар тоифаси паст объектлар учун — 2020 йил 1 майдан; давлат харидлари субъектларининг маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган объектлар учун — 2022 йил 1 январдан;

бошқа манбалар ҳисобига молиялаштириладиган объектлар учун — 2021 йил 1 январдан.

4. Белгилансинки, объектларни фойдаланишга қабул қилиш учун рухсатномалар бериш тартиби татбиқ қилингунига қадар Инспекция ва ҳудудий инспекциялар қурилиш тугалланган объектларни (давлат харидлари субъектларининг маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган объектлардан ташқари) фойдаланишга қабул қилиш жараёнига давлат санитария назорати ва давлат ёнгин назорати ҳудудий органларини жалб қилади ҳамда улар объектларни қабул қилиш муддатлари доирасида Инспекция ва ҳудудий инспекцияларга объектнинг санитария нормалари ва ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой муддатда қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилишда ҳудудий инспекцияларнинг давлат санитария ва ёнгин назорати ҳудудий органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлигининг:

Инспекцияга давлат муассасаси шакилидаги юридик шахс мақомини бериш ва ҳудудий инспекцияларни унга бўйсундириш;

Инспекция тузилмасида 2 та бошқарув ходими штат брилгидан иборат бўлган **Комплаенс хизматини** ташкил қилиш ва ҳудудий инспекциялар тузилмасига **комплаенс-назорат бўйича мутахассис** лавозимини киритиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

2020 йил 1 июлдан бошлаб Инспекция ва ҳудудий инспекциялар бошлиқларига, ҳуқуқбўзарлик фактига эътироз

билдирилган ҳолларда ишни қўриб чиқиш учун судга тақдим этиш тартибини сақлаб қолган ҳолда, **шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига оид маъмурий ҳуқуқбўзарлиқлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш** ваколати берилсин.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузурдаги Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг бошқарув ходимлари чекланган сони 40 нафардан иборат **тузилмаси** 1-иловага мувофиқ;

қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияларининг намунавий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Инспекция бошлигига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин: бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида, заруратга кўра, Инспекция штат бирикликларига ўзгартаришлар киритиш; объектлар сонидан келиб чиққан ҳолда ҳудудий инспекциялар тузилмаси ва штат бириклари нормативларини тасдиқлаш;

ҳудудий инспекцияларнинг харажатлар сметасини тасдиқлаш.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Инспекция **республика давлат бошқаруви органи** ҳисобланади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига ҳисобдор бўлади;

ҳудудий инспекцияларнинг бошлиқлари **Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири билан келишилган ҳолда Инспекция бошлиғи томонидан** лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Инспекциянинг Комплексаенс хизмати ва ҳудудий инспекцияларнинг комплаенс-назорат бўйича мутахассислари **бевосита Инспекция бошлигига бўйсунadi**;

Инспекция фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан, ҳудудий инспекциялар фаолияти эса қурилиш-монтаж ишлари қийматидан ажратмалардан шакллантирилувчи маблағлар ҳамда шартнома асосида бажариладиган ишлар ва хизматлардан тушадиган даромадлар ҳисобидан молиялаштирилади.

8. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб давлат қурилиш назорати амалга оширилиши шарт бўлган барча объектлар бўйича ҳудудий инспекцияларга ажратмалар қурилиш-монтаж ишлари қийматининг 0,2 фоизига тенг ягона микдорда (қўшимча қиймат солиғисиз) белгиланади ва қуйидаги тартибда тақсимланади:

0,02 фоизи Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда — Жамғарма), шу жумладан, 0,01 фоизи — Инспекция ва унинг ҳудудий инспекциялари эҳтиёжларини молиялаштиришга йўналтирилади;

0,18 фоизи ҳудудий инспекциялар ихтиёрида қондирилади.

9. Жамғарма маблағларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланишга рухсат берилсин:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Инспекция ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

Инспекция ва ҳудудий инспекцияларнинг жорий ва бошқа харажатларини молиялаштириш; Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Инспекция ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Инспекция

ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

10. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Қурилишда стандартлаштириш республика маркази ҳузурида объектлар конструкциялари, қурилиш материаллари ва буюмларини халқаро стандартларга мувофиқ тўлақонли синовдан ўтказишни амалга оширувчи **Комплекс қурилиш синов лабораториясини** (кейинги ўринларда — Комплекс лаборатория) ташкил қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг тақлифи маъқуллансин.

Комплекс лабораторияни ташкил қилиш ва жиҳозлаш бўйича ишларни молиялаштириш манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан 2020 йилда ажратиладиган 20 миллиард сўмдан кўп бўлган микдордаги маблағлар ҳамда етмайдиган қисми учун — Жамғарма маблағлари белгилансин.

11. Қуйидагилар:

Қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш объектлари конструкциялари, қурилиш материаллари ва буюмлари бўйича Комплекс қурилиш синов лабораторияси томонидан ўтказиладиган синовларнинг асосий йўналишлари 3-иловага мувофиқ;

Комплекс қурилиш синов лабораториясини жиҳозлаш учун харид қилинадиган асосий ускуналар, машина ва механизмлар рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. 2020 йил 1 мартдан бошлаб Инспекция ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш микдорлари **1,4 баробарга оширилсин**.

13. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги:

а) маффаатдор вазирлиқлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда:

икки ой муддатда Инспекция ва ҳудудий инспекциялар тўғрисидаги, шунингдек, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги мутахассисларни сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақидаги ҳукумат қарорлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қиритсин;

2020 йил 1 июнга қадар ички назоратни, муаллифлик ва техник назоратни, шунингдек, объектлар устидан давлат қурилиш назоратини амалга оширувчи мутахассислар сертификатидан ўтказилишини таъминласин;

б) бир ой муддатда Жамғарма маблағлари ва ҳудудий инспекциялар маблағлари ҳисобидан 2020-2021 йилларда ҳудудий инспекцияларни замонавий мобил кўчма қурилиш лабораториялари билан жиҳозлаш дастурини тасдиқласин;

в) Инспекция ва ҳудудий инспекциялар ходимларининг доимий равишда, шу жумладан, чет элда малака оширишини ва кейинчалик ҳар бир ҳудудий инспекциядаги ходимлар учун мажбурий тренинглар ўтказилишини ташкил қлсин;

г) Жамғарма маблағлари ҳисобидан Инспекцияни мебель, инвентарь, ускуналар ва қўйилган вазифаларни самарали бажариши учун зарур бўлган бошқа воситалар билан таъминласин, шу жумладан, 3 дона хизмат енгил автомобили ажратсин;

д) 2020 йил 1 августга қадар халқаро молия институтлари ва ташкилотларини ҳамда малакали хорижий мутахассислари жалб қилган ҳолда, давлат органларининг самарасиз ва ортиқча функцияларини бекор қилиш, шунингдек, илгор хорижий тажриба асосида ушбу жараёнга ҳусусий

Талқин

БИР ЖОН, БИР ТАН БЎЛИБ, ТЕРАН МАСЪУЛИЯТ ВА ШИДДАТЛИ БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАМИЗ

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳар биримизни ҳайратлантиргани шубҳасиз. Ҳозиргача ҳаяжондамиз. Сабаби барчамиз улугъ ангиланишлар қатнашчисиимиз. Юртбошимиз олиб бораётган тарихий ислохотларни қўриб, дунёга сиемай турибмиз. Таъбир жоиз бўлса, мамлакатни янги тараққиёт босқичига олиб чиқадиغان, ҳаётимизни ободлигу фаровонликка йўналтирадиган ва бугунги жаҳоний илм-фан сари бошловчи масъулиятли, улугъ ислохотлар даврида яшаётганимизни Президентимиз Мурожаатидан яна бир бор ҳис қилдик.

Давлатимиз раҳбари “демократик ислохотлар йўли — биз учун яккаю ягона ва энг тўғри йўлдир”, деди. Бу гапда олам-олам маъно бор.

Қувонарлиси, демак, ўтган 3 йилдан бери олиб борилаётган демократик ислохотлар донишмандлик билан, ҳалқчил-лик билан, масъулият ва шиддат билан давом эттирилади, янги Ўзбекистонни ҳалқимиз билан бирга бунёд этишда яна кўплаб тарихий улугъ ишлар амалга оширилади.

Мурожаатномадаги юрагимизни тортган жиҳатлардан бири — фарзандларимиз таълим-тарбиясига қаратиладиган алоҳида эътибор. Ўтган 20 — 25 йил ичи-да бочка, мактабу коллежлар, олий таълим — қарийб барчаси замон талабларидан ортда қолаётганди. Одамлар бу ҳолни қўриб турганди, лекин айтолмасди. Ҳамма қўрқарди. Қайси томонга қара-манг, “урра-урра”чилик эди. Давлатни давлат қиладиган, мамлакат қиладиган илм йўли қаровсиз қолган эди. Олдий ҳалқ “Келажак нима бўлади?” деган сўнгсиз оғир ўйда яярди. Коррупция, порахўрлик, бюрократия авж олганди. Шавкат Мирзиёев бошлаган ўзгаришлар-гача буни айтсак, ҳалқ душманига айла-нардиқ...

Олий таълим соҳасида ҳалқимиз интиқ кутган ўзгаришлар рўёбга чиқмоқда. Мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2020 йил-да камида 25 фоизга ва келгусида 50 — 60 фоизга етказилиши, энг муҳими, олий таълим қамровини ошириш тўлов-контрактига боғлиқ бўлиб қолмаслиги. Шунингдек, олий ўқув юртиларига тала-балар қабул қилишда давлат грантлари-нинг 2 баробар кўпайтирилиши... Булар ҳазилакам гап эмас.

Ахир қанча-қанча илмий ёшлар кон-тракт пулини тўлолмай, ўқишдан чет-лаштирилганига гувоҳ бўлмаганмизми? “Пул топиб, албатта, ўқишим керак”, деб чет давлатга кетиб, овораю-жаҳон

Халқ сўзи

www.xs.uz

/xalqsuzi.uz

@xs_uz

2020 йил 6 февраль

ХАЛҚИМИЗ БИЗДАН КАТТА ШИЖОАТ КУТМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 31 январь куни пойтахтимизнинг Олимлар кўчасидаги илмий-тадқиқот институтларига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари ушбу ҳудудда ташкил этилиши режалаштирилаётган Геология фанлари университети кампусига тамал тоши қўйди.

Президентимиз Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига ташриф буюриб, олимлар, ёш тадқиқотчилар, илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари ва ишлаб чиқариш тармоқлари вакиллари билан учрашди. Унда илм-фан соҳаларини янада ривожлантириш, жумладан, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланганидек, жорий йилда математика, кимё-биология, геологияда фундаментал ва амалий тадқиқотларни фаоллаштириш, олимларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, билимли, малакали кадрлар тайёрлашни янги, сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда белгиланган вазифалар ижроси доирасида амалга ошириладиган ишлар, юз бераётган ўзгаришлар моҳияти ва аҳамияти ҳақида соҳа вакилларининг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

Акс садо

Файбулла АБДУЛЛАЕВ,
Нефть ва газ конлари геологияси ва қидируви институти бош директори,
геология ва минералогия фанлари доктори, профессор:

— 2020 йил мамлакатимизда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилингани, давлатимиз раҳбари томо-нидан парламента Мурожаатномасида соҳани ри-вожлантириш бўйича белгилаб берилган вазифа-лар, илгари сурилган ташаббус ва тақлифлар узоқ куттирмадан ҳаётимизга кўчаётгани бутун ҳалқи-мизни хурсанд қилмоқда. Айниқса, илм-фан соҳа-сида бўлаётган янгиланишлар, олимларга кўрсати-лаётган ғамхўрлик бизни нихоятда мамнун этяпти.

Президентимиз ташаббуси билан Геология фан-лари университетининг ташкил этилиши соҳада янги даврни бошлаб беради, дейиш мумкин. Маз-кур муассасасининг таълим ва илм-фан кластери ша-клида ташкил этилаётгани илмий ишланмаларни

ишлаб чиқаришга муваффақиятли жорий қилишга имкон яратади.

Юртбошимиз учрашувда тоғ-кон саноатида мил-лий кадрлар етишмаслигини қуюнчалик билан таъ-кидлади. Ростдан ҳам, малакали маҳаллий мутахас-сислар етишмаслиги сабабли минерал ресурслар-имиз хориҳлик мутахассислар ёрдамида ўзлашти-риляпти. Натижада табиий бойликларимизнинг кат-тагина қисмини уларга беришга тўғри келмоқда. Бу барчамизнинг дардимиз эди, десак, адашмаймиз. Президентимиз ташаббуси билан барпо этилаётган янги университет шу боисдан ҳам қўнглимизни кўтардики, бу ерда геологиянинг сўнгги ютуқларини ўзлаштирган миллий мутахассислар камолга ети-шига ишончимиз қомил.

даврий жадвалидаги элемент-ларнинг деярили барчаси учрай-ди. Бебаҳо ер ости ва ер усти бойлиқларига эгамиз. Геология фани ривожланиш, улардан яна-да самарали фойдаланиш им-конияти яратилди. Шундай экан, биз, ҳамма олимлар соҳа раванқига ҳисса қўшишга бир мушт бўлиб интилишимиз керак. Шундагина бизга яратилаётган шароитларга муносиб жавоб берган бўламиз. Зеро, ҳалқимиз биздан катта шижоат ва нати-жадорлик кутмоқда.

ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЖБУРИЙ МЕҲНАТНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДА

Тадбир Олий Мажлис Сенати, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистондаги вакиллари, Халқаро миграция ташкилоти, БМТ Тараққиёт дастури, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки,

ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, дипломатик корпус вакиллари, “Cotton Campaign” халқаро коалицияси аъзолари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Ташкилотчиларнинг эътироф этишича, анжуманнинг асосий мақсади — мамлакатимизда меҳнат бозорини тартибга солиш механизмларини мустаҳкамлаш йўлидаги жараёнларни баҳолаш, инклюзив бандликни кенгайтиришдан иборат.

Давра суҳбати давомида қатор долзарб масалалар муҳокама этилди. Хусусан, юртимизда янги иш ўринларини кўпайтириш, меҳнат бозорини бошқаришни амалга оширишнинг комплекс чора-тадбирларини татбиқ этиш, “ҳукумат — иш берувчи — касба уюшмалари — фуқаролик жамияти фаоллари” тизими асосида мажбурий меҳнат ҳолатларига буткул барҳам бериш каби йўналишларда фикр алмашилди.

Маълумот учун: Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлиги 1992 йилдан бошланган. Ҳозирги кунга қадор мамлакатимиз ХМТнинг 17 та конвенцияси ҳамда битта конвенция баённомасини ратификация қилган.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга борҳам бериш бўйича таъсирчан чоралар кўрилаётганлиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Шу кундан юртимизнинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлиги янги bosқичга кўтарилди.



ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ИЛК ТАҚДИМОТ

«Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурларининг бажарилиши ва долзарб муаммолар ечимига бағишланди

Одамлар орасида бўлиш, улар билан очик мулоқот қилиш бугунги куннинг энг долзарб ва устувор вазифаларидан бири саналади. Бинобарин, халқни қийнаётган муаммолар, ҳаётда учрайдиган камчиликлар ана шундай учрашув ҳамда суҳбатларда аён бўлади. Ечим чоралари кўрилади. Шу маънода, бу каби муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида Президент виртуал қабулхонаси ҳамда жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилгани бе-қиёс аҳамиятга эга.

Қўрсатиш лозимлиги аён бўлди.

Дарҳақиқат, мазкур жараён барча даражадаги раҳбарлар фаолиятида туб ўзгаришлар ясаб, очиклик, шаффофлик кўзга ташлана бошлади. Жойларда тегишли мутасадди давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари вакиллари иштирокида муаммолар ўрганилиб, уларга ечим топиш чоралари кўрилмоқда.

Тақдимотда келтириб ўтилганидек, ўтган вақт мобайнида Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига **3,5 миллиондан зиёд** мурожаатлар келиб тушган бўлса, уларнинг **60 фоиздан зиёди** қаноатлантирилган.

2019 йилда келиб тушган **1 миллион 72 мингдан зиёд** мурожаатлардан **625 мингдан ортиги** амалда ҳал қилинган.

Аҳоли мурожаатлари асосида йўлга қўйилган яна бир механизм туфайли шу пайтгача **8 минг 840 нафардан зиёд** уй-жойсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ногиронлиги бор шахслар, Меҳрибонлик уйлари битирувчилари, оғир аҳволдаги хотин-қизлар имтиёзли кредит ёки доимий фойдаланиш ҳўқўқи асосида уй-жой, доимий иш ўрни билан таъминланди.

Мана шундай амалий саъй-ҳаракатлар туфайли Президент виртуал қабулхонасига уй-жой билан таъминлаш масаласидаги мурожаатлар **1,7 баравар камайган**.

Танзила НАРБАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси:



— Бугун мажбурий меҳнатни бартараф қилиш учун юртимизда олиб борилаётган ишлар юзасидан Халқаро меҳнат ташкилоти ва-

килларининг ҳулосалари тақдим этилди. 2019 йилда ташкилот томонидан ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, мамлакатимизда бу борада олиб борилган ишлар жуда ижобий баҳоланди. Олдинги йилларда агар бизда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида бюджет ташкилотлари ходимларини мажбурий меҳнатга жалб этиш кузатишган бўлса, охириги йилдан бери мажбурий меҳнат ҳолатлари тўлиқ бартараф этилгани Халқаро меҳнат ташкилоти вакиллари томонидан эътироф қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Стратегиянинг асосий мақсади соҳага оид барча йўналишдаги ишларни тўлиқ бозор механизмларига ўтказишдан иборат. Бунда юртимизда пахта, ғалла ёки бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, аввало, тадбиркорлар иштирокида, кластер усулида ишлаб чиқиши кўзда тутилмоқда. Ҳар томонлама ижтимоий масъулият билан етиштирилган

маҳсулотларни дунё бозорига олиб чиқиш мақсад қилинган.

Мурожаатномада айтиб ўтилганидек, эндиликда бу тизимда давлат бюрократияси тушунчаси бекор қилинади. Бюрократ бекор қилинар экан, демак, ҳўкимликлар ҳам, бошқа давлат идоралари ҳам бу жараёнга аралашмайди. Эндиликда кластерлар, тадбиркорлар пахтани экишда бошлаб, маҳсулотни тайёрлашгача бўлган жараёни ўзлари эркин бошқаради. Бу эса, ўз-ўзидан, тизимда мажбурий меҳнат юзага келишининг олдини олади.

Хелена ФРЕЙЗЕР,
БМТнинг
Ўзбекистондаги доимий
координатори:



— Охириги уч йил давомида Ўзбекистонда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатини бартараф этиш мақсадида жуда катта иш қилинди. Ҳўкумат фуқаролар учун муносиб меҳнат шaroитларини яратишга оид жиҳидий қарорлар қабул қилди. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасини диверсификациялаш, мутахассисларни ўқитиш, соҳалараро ижтимоий шериклик таъмоийилларини тарғиб этиш борасидаги ишлар шулар жумласидандир.

Қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва амалий чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг мажбурий меҳнатни бартараф этиш сиёсатида оид муҳим қадамдир ва у қонунчиликнинг халқаро меъёр ва стандартларига тўлиқ мос келади. Шу билан бирга, уларнинг бир қисми БМТнинг инсон ҳўқўқлари бўйича идоралари тавсияларига асосланган.

Ўз навбатида, ушбу йўналишда ишларни изчил давом эттириш талаб этилади. Бу ерда нафақат қабул қилинган кўрсатмалар, балки уларнинг жойларда ўз вақтида ва аниқ бажарилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мунисхон КАРИМОВА
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

Хайнс КОЛЛЕР,
Халқаро меҳнат ташкилотининг Бош директори ёрдамчиси, Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори:

— Сўнгги бир неча йил ичида болалар меҳнати, шунингдек, пахта теримида мажбурий меҳнатни йўқ қилиш масаласида халқаро шериклар билан ҳамкорлик Ўзбекистон Ҳўкуматининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Ўзбекистон тегишли конвенцияни ратификация қилиш орқали болалар меҳнатига барҳам бериш тарафдори эканлигини намойиш этди.

Худди шундай муносабатни меҳнат хавфсизлигини таъминлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундан ташқари, меҳнат муносабатларида ижтимоий хавфсизлик ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш яна бир устувор вазифа ҳисобланади. Бизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз барча аҳолига, шу жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга ҳам инклюзив хизматлар кўрсатишни янада яхшилашга қаратилган.

Биз ҳамкорликда мамлакатдаги меҳнат бозорини ривожланти-



ришнинг бошқа долзарб масалаларига оид бир неча муҳим қарорларни қабул қилдик. Бинобарин, юртимизда кечаётган ислохотлар жараёнида муносиб меҳнат сиёсатини ишлаб чиқиш зарур.

Бандлик тўғрисидаги янги стратегиянинг ишлаб чиқишида гендер тенглиги, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш каби янги йўналишлар ҳам инобатга олинмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг келажақдаги барқарор тараққиётига дахлдор масалалардан ҳисобланади.

Нозим ҲУСАНОВ,
бандлик ва меҳнат муносабатлари вазир:

— Охириги бир йилни таҳлил этадиган бўлсак, мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида норматив ҳўқўқий база сезиларли равишда тақомиллаштирилди. Биргина 2019 йилда мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам бериш ҳамда Давлат меҳнат инспекциясининг ваколатларини кўпайтириш мақсадида ХМТнинг 2 та конвенцияси, яъни “Саноат ва савдодаги меҳнат инспекцияси тўғрисида” ҳамда “Қишлоқ ҳўжалигидаги меҳнат инспекцияси тўғрисида”ги 129-сонли конвенциялари ратификация қилинди.

Президентимизнинг айни йўналишдаги ислохотларнинг кенг қўламда амалга оширилишини таъминловчи Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Хусусан, “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони имзоланди. Унга кўра, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши кураш соҳасида мамла-



катимизнинг халқаро майдондаги ижобий имижини олға суришда давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш мақсадида Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси ҳамда унинг таркибида Мажбурий меҳнатга қарши курашиш кичик комиссияси ҳам ташкил этилди. Бу институтлар орқали олиб борилаётган ишларимиз хорижий мутахассислар томонидан юқори баҳоланди ва Ўзбекистонда бу борада амалий натижаларга эришилаётгани эътироф этилди.

Барқарор ривожланиш мақсадлари ижроси — сенаторлар назоратида

Парламент юқори палатасида Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоевнинг БМТ Тараққиёт дастурининг Бангкокдаги ваколатхонаси сиёсий жараёнлар бўйича гуруҳ раҳбари С. Чаувел бошчилигидаги делегация билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда парламент назорати тизимини янада тақомиллаштириш бўйича ўзаро ҳамкорликда янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини миллий даражада амалга ошириш масалалари муҳокама этилди. Сенаторлар уларнинг жойларда самарали ижросини таъминлаш устидан парламент назоратини олиб бориш хўсусида айтиб ўтилди.

Ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, хусусан, Олий Мажлисининг қонунчилик, назорат ва вакиллик вазифаларида Сенатнинг роли, жумладан, бюджетнинг сарфланиши, коррупциянинг олдини олиш, Миллий гендер стратегияси ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш лойиҳалари, парламент фаолиятида институтаналлик, кадрлар, молиявий, ташкилий ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари раислари ҳам С. Чаувел бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашдилар.

Унда парламент юқори палатасининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни, маҳаллий Кенгашлар фаолияти, парламент назорати хўсусида сўз юритилди. Бундан ташқари, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалаларига алоҳида аҳамият берилаётгани, бу йўналишда Сенатда янги қўмита тузилгани ҳамда иккита муҳим қонун қабул қилингани тўғрисида маълумот берилди. Парламентнинг янги таркибида аёлларнинг сони ошгани бу борада қилинаётган ишлар самараси эканлиги алоҳида қайд этилди.

Томонлар парламентлараро ҳамкорликни янада кучайтириш борасида келишиб олишди.

«Халқ сўзи».

ҲАР БИР ДЕПУТАТНИНГ «ЙЎЛ ХАРИТАСИ» БЎЛАДИ

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга, яъни қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқлигини таъкидлаган эди.

Албатта, бу биз, депутатлар зиммасига катта масъулият юқлайди. Чунки жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш орқали аҳоли ҳўқўқ ва манфаатлари кафолатланади. Бунинг учун эса ҳар жиҳатдан мукамал, пишиқ-пукта қонунларни қабул қилиш зарур.

/// Муносабат

Мурожаатномада юртимизда бошқарув тизими сифатини оширишда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган таъмоий устувор бўлиши лозимлиги қайд этилди. Бу борада эндиликда Халқ қабулхоналарининг ҳисоботларини парламент ва маҳаллий Кенгашларда тинглаш институти жорий қилиниши, эътиборлиси, ижро органлари фаолиятига баҳо айнан Халқ қабулхоналарига бўлаётган мурожаатлар ва уларнинг амалий ечимидан келиб чиқиб берилиши кўзда тутилмоқда.

Айтиш жоизки, бу юртимизда инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун экани ва давлат идоралари, том маънода, халқ учун ишлашини таъминлашда муҳим қадамдир.

Демак, халқ вакили сифатида ушбу масала биз учун кундалик фаолият асосини ташкил этиши лозим. Бу борада ўз режамиз, зарур бўлса, “Йўл харита”мизни



ишлаб чиқиш йўли билан амалий натижаларга эришиш мумкинлигини ҳис этиб турибмиз. Албатта, ишлар қўласти кенг, уларни бажаришда Президентимизнинг ушбу вазифалар ижросига масъулият билан ёндашилса, оддий сайловчи сифатида миннатдор бўлар эдим, деган фикрларидан куч оламиз.

Мурожаатномада илк бор ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд, етарли даромадга эга бўлмаган фуқаролар сони очик келтирилгани ва бу борада самарали ечим ўртага ташланганини алоҳида эътироф этиш зарур. Айниқса, бундай аҳоли қатламларини манзилли қўллаб-қувватлаш, уларга ишлаш, изланиш имконини берадиган микромолиялаш хизматлари ва давлат харидларига кенг шароит яратиш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар бугунги кун учун ўта долзарбдир.

Шу маънода, аёллар ва ёшларни, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш учун Давлат

бюджетдан ажратиладиган маблагларнинг манзиллилигини таъминлашда парламент назоратининг таъсирчан механизмларидан фойдаланишимиз мақсадга мувофиқ.

Эндиликда пенсия ва нафақалар тайинлаш тартибининг содда-лаштириш масаласи ҳам муҳим саналиб, бу, айтиш жоизки, халқимиз мушқулини енгиллаштиришда катта қадам бўлади. Зеро, узок йиллар мобайнида меҳнат қилган одам айни нафақага чиқиш палласида саргандонликларга дуч келишига, ҳатто қўни-қўни ҳам кетган эдик. Бу борада Давлат архиви тизими электрон шаклга ўтказилиши, соҳага жамнавий технoлогияларнинг жорий этилиши ушбу жараёндаги сансалорликларга барҳам бериш имкониятини яратди.

Шу боис аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг ҳўқўқий базаси ишлаб чиқиши ҳамда мустаҳкамлалишида алоҳида жонбозлик кўрсатишимиз зарур ва бунга салоҳиятимиз етади. Ҳозирданок бор билим ва тажрибаимизни ишга солиб, нафақат ушбу йўналишдаги қонун ҳужжатлари, балки Мурожаатномада келтирилган мақсад ва вазифалар ижросига ҳам дадил киришамиз. Бунда давлатимиз раҳбари айтганидек, фоизлар, рақамлар ортидан қувши эмас, реал натижаларга эришиш йўлини тутишимиз талаб этилади.

Зулайхо АКРОМОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати.

Тақдимотда бу борадаги қилинаётган кенг қўламдаги ишлар, улар бераётган самара, келгусидagi режалар ҳақида парламент аъзоларига кўргазмali воситалар орқали батафсил маълумотлар берилди.

— “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ижроси доирасида бажарилган юмушлар самараси нафақат худудлар чиройида, балки одамлар кайфиятида ҳам ўз аксини топмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулбаҳор Саидғаниева. — Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, инсон, унинг фаровон ҳаёт кечирishiга қаратилганлигида далолат беради. Тақдимот ҳақида тўхталадиган бўлсам, унинг фойдали жиҳатлари кўп. Масалан, ундан одамлар билан мулоқот қилиш муаммоларни аниқлашда қанчалик аҳамиятга эга эканлигини аниқлаш мумкин. Бу эса бугунги депутатдан талаб этиладиган энг асосий жиҳатдир.

Яқунда мазкур тақдимот депутатлар фаолиятида, қолаверса, қонун ижодкорлиги, парламент назорати институтларидан самарали фойдаланилишида муҳим амалий аҳамият касб этиши айтиб ўтилди.

Дилшод УЛУҒМУРОВО
(«Халқ сўзи»).

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА қандай ўзгаришлар бўлади?



Давлатимиз раҳбарининг парламентга Мурожаатномасида олий таълим тизимини ислоҳ қилиш йўналишида ҳам долзарб вазифалар белгилаб берилди. Улар ижросини таъминлашда Президент Фармонига мувофиқ, яқинда ташкил этилган Республика олий таълим кенгаши кўмаклашади.

Ҳаётийнинг барча жабҳасида рўй бераётган, Мурожаатномада ҳам алоҳида қайд этиб ўтилган кенг қўлмли ислохотларнинг муваффақияти кўп жihatдан ана шу ўзгаришларни муайян соҳалар ва ҳудудларда рўёбга чиқариш учун масъул шахсларнинг билим доираси, малака даражасига боғлиқ. Демак, бугунги кунда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишларини такомиллаштириш асосида уларнинг касбий тайёргарлигини яхшилаш ҳам ўта муҳим. Бунда асосий вазифани олий таълим тизими бажаради. Таълим сифатини оширишдан эса нафақат давлат, балки ҳаммамиз манфаатдоримиз.

Кейинги уч йил давомида мамлакатимиз раҳбарияти томонидан олий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда, профессор-ўқитувчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш йўлга қўйилди. Олти янги олий ўқув юрти ва 17 та филиал, шунингдек, етакчи хорижий университетларнинг 14 та филиали очилди. Кечки ва сиртки таълим шакллари жорий этилди. Ҳозирги кунда бакалаврият таълим йўналишларида тахсил олаётган талабалар сони 410 минг нафарни, магистратура босқичидигилар эса 13 минг нафарни ташкил этади.

Бизнинг интервью

— Ўқтам Пардаевич, Президент Мурожаатномасида олий таълим тизими олдиға, демак, кенгаш олдиға ҳам кўпгина вазифалар қўйилган. Уларнинг ҳар бирини муҳим, дейиш бугун камлик қилади. Бу ўта мураккаб ва масъуляти иш. Унинг самарадорлиги ва натижаси жуда яқин келажақда бўлмасда, ўрта муҳлатли истиқболда малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини халқаро талабларга жавоб берадиган ва мамлакатимиздаги ислохотлар муваффақиятини таъминлайдиган даражаға кўтаришға эриша олашимиз — ана шунчи кўрсатиб беради. Тўғрими?

— Чиндан ҳам, қилиниши зарур бўлган ишлар жуда кўп. Нафақат уларни амалга ошириш керак, балки Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасида ва Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида кўзда тутилган натижаға эришиш ва белгиланган мақсадларға етиш лозим. Тўғриси айтсак, олий таълимнинг айна пайтдаги аҳволи билан мақсадға эришиш анча мушкул. Масалан, Мурожаатномада ва концепцияда мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50 — 60 фоизга етказиш кўзда тутилган. Ҳўш, бу кўпми ё кам? Агар дунёдаги ривожланган ва ривожланаётган давлатларда ушбу кўрсаткич 50 фоиздан анча юқори эканини ҳисобға олсак, белгиланган мақсад камтарона эканлиги кўринади. Лекин илгари доим пасайиб борган қамров даражаси бундан уч йил муқаддам қолоқ давлатлардаги каби ҳатто ўн фоизга ҳам етмаганини ҳисобға олсак-чи? Бунда

сифатидан ташвишда. Концепциядаги мақсадли йўналишлардан бири ҳам шундан далолат бериб турибди. Яъни 2030 йилға бориб, Ўзбекистоннинг камида 10 та олий таълим муассасаси умумэтироф этилган жаҳон рейтинглари бўйича 1 000 та энг яхши олий ўқув юрти сафига кириши, шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университети 500 та энг илғор олий ўқув юрти сафидан ўрин эгаллаши мўлжалланмоқда. Бу қанча-қанча мураккаб эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Негакки, дунёдаги 20 мингдан ортқ олий ўқув юртлари ўртасида рақобат жуда кучли. Ҳатто кўпчилигимиз яхши биладиган Москва давлат университети ҳам “QS World University Rankings 2019/2020” халқаро рейтингда 84-ўринни эгаллади. Етакчилар қаторида эса Массачусетс технологик институти, Стэнфорд, Гарвард, Оксфорд университетлари ва юқори таълим сифати билан машҳур бўлган бошқа олий ўқув юртлари бор. Қўрниб турибдики, рейтингга кириш учун қаттиқ интилиш лозим.

— Интилишнинг ўзи камлик қилса керак. Концепция билан танишар эканмиз, унда эскича фаолият юритаётган олий таълим тизимини тубдан ўзгартирувчи ислохотлар кўзда тутилганини, яъни бутунлай янги босқичға ўтиш заруратини англаймиз.

— Бундан бошқа йўл йўқ. Деярли ҳамма олий ўқув юртлари бутун диққатини фақат талабаларға белгиланган ҳажмдаги назарий билимларни беришға қаратган, холос. Шу боис концепция олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этишға йўналтирилди. Ўқув дастурлари фақат назарий билимлар беришға мўлжалланган таълимдан амалий кўникмаларни ҳам шакллантирадиган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш мақсад қилинди.

Масалан, АҚШ университетлари нафақат малакали кадрлар етиштирадиган, балки ўзлари жойлашган штатнинг ижтимоий-иқтисодий тизими билан тўғридан-тўғри интеграциялашган бўлиб, муайян буюртмаларни бажаради, тадқиқотлар ўтказиш ва лойиҳалар ишлаб чиқади. Одатда, улар молиявий маблағларнинг 50 фоизини федерал бюджетдан олса, 40 фоизгача ҳудудий, ҳаттоки муниципал ҳокимиятлардан олади, тахминан 10 фоизини эса ўзлари ишлаб топади. Бундай таълим даргоҳларининг битирувчилари компанияға фақат зарур билимлари билан эмас, кўникмалари билан ҳам келишади, улар эса ишға тезроқ кириши кетишға ёрдам беради ва жараённинг муҳиятини тушуниб олиш учун кўп вақт сарфланмайди.

Бизнинг олий ўқув юртларимизда ҳам таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини таъминловчи “Университет 3.0” концепциясини босқичма-босқич жорий этиш кўзда тутилди. Яъни олий таълим даргоҳлари талабаларни ўқитишни давом эттирар экан, шу билан бир пайтда илмий фаолиятни ривожлантиришлари, ўзлари мутахассис етиштираётган иш берувчилар билан узвий ҳамкорлик қилишлари керак бўлади. Шундай тизим яратиш лозимки, институт ва университетлар таълим жараёнини такомиллаштириш билан бир қаторда, инновацион тараққиёт локомитивига айланишлари зарур, талабалар эса тахсил олиш давомида яна технопарклар ва трансфер технологиялари марказ-

ларида аниқ лойиҳалар ҳамда стартапларни ишлаб чиқиб, рўёбға чиқарсинлар, тегишли соҳа, тармоқ ва ҳудудларнинг ривожини тадқиқ этиш ишларида қатнашинлар. Бу дегани — назарий билим ва амалий кўникмаларни эгаллаш жараёнида талабалар, ўқитувчилар, олий ўқув юртларининг ўзи ҳам қўшимча даромад манбаи топишлари учун шароит яратишға имкон беради.

Тан олиш керак, биз узоқ йиллар давомида “ўз ёғимизға ўзимиз қовурилдик”, бориға қаноат қилиб, илгари тўпланган воситалардан фойдаланиб

ция ҳолатлари учраётганлиги бўйича ижтимоий сўровлар ўтказиш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигиға коррумпцияға қарши кураш тизимлиги равишда олиб борилаётган университетларнинг ректорларига нисбатан кескин ташкилий чоралар қўришни тасвир қилади.

Биз суҳбат бошидаёқ айтиб ўтган яна бир муаммо — бу мамлакатимизда олий таълим билан қамраб олиш даражасининг пастлиги. Бутун жаҳонда ёшларнинг билим олишға қизиқиши кучли бўлгани учун меҳнат бозоридаги рақобатбардорлиқ ҳам ортиси қузатилмоқда. Таълим даргоҳида олинган билим ва кўникмалар, олий маълумот тўғрисидаги диплом йиғит-қизларға ҳаётда ўз иқтидорини намоён этиш билан бирга, касбий маҳоратини ошириб, мансаб пиллаполярлардан қўтарилишиға имконият яратмоқда.

Олий маълумот олиш ҳуқуқи бизда ҳам барча хоҳловчиларға тақдим этилиши лозим. Албатта, бу ҳамма талаба бўлиши керак, дегани эмас. Олий ўқув юртиға кириш учун яхши билим ва тайёргарликка эга бўлиш, тест синовларини муваффақиятли топириш талаб этилади. Ҳар қайси абитуриент нафақат талаба бўлиши, балки давлат гранти асосида бепул тахсил олишни орзу қилади. Давлат гранти учун етарли бўлмасда, муайян миқдордаги балларни тўплаган абитуриентлар тўлов-контракт асосида ўқишға қабул қилинадилар. Аммо институт ва университетлардаги мавжуд базани ҳисобға оладиган бўлсак, ҳатто тўлов-контракт асосида қабул қилиш учун ажратилган ўринлар сони ҳам жуда кам. Бундай ҳолат сабаби ҳар йили ўн минглаб абитуриентлар ўқишға кира олмай қоляпти, боз устиға иш ҳам топа олмапти. Бунинг салбий оқибати — ёшларимиз чет эллик талабалар учун грант ажратадиган давлатларға тахсил олиш

орқада қолиб кетдик, таълим дастурлари ҳам эскирди. Ўқитувчиларнинг машғулотта тайёргарлик қўриши масаласида ёндашув деярли ўзгармади. Яқиндагина Президентимиз Японияға ташрифи давомида Нагоя университетиға борганини эслайлик. У ерда Нобель мукофотининг олти нафар соҳиби ишлар экан. Интернетға кириб, уларнинг фаолияти билан қизиқиб кўрдим. Маълум бўлишича, улардан бири талабаларға ўқийдиган маърузаси учун деярли олти соат тайёрланар экан. Бизда-чи, муаллимлар маъруза машғулотини ўтиш олдидан тайёргарликка 1-1,5 соат сарфлайди, холос. Изоҳға ҳоҳат йўқ, деб ўйлайман.

Давлатимиз раҳбари олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтириш, иш шароитларини яхшилаш борасида қатор ташаббусларни илгари сурди. Шу боис қанондир хорижий мамлакатларға кетиб қолган тажрибали муаллимлар қайтиб келишмоқда.

Олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, педагогларнинг илмий-инновацион фаолиятини ривожлантириш, улар фаолиятини баҳолаш мезонларини ўзгартириш учун қилиниши зарур бўлган ишлар ҳали талайгина.

Яна бир “огриқли нуқта” замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан етарли фойдаланмаслик билан боғлиқ. Бугунги кунда олий таълим ривожида бу жуда муҳим. Мисол учун, интернет ёрдамида масофавий таълимни жорий этиш, машҳур хорижий университетлардаги профессорларнинг маърузаларини тинглаш, керакли маълумот ва маслаҳатни тезроқ суратда олиш мумкин. Ўқитишнинг интерфаол усулларини қўллаб, зериқарли маърузалар ўрниға талабаларни қизиқтирувчи, уларға кўпроқ ахборот ва билим берувчи машғулотлар ўтиш лозим. Лекин бунинг учун ҳозир олий ўқув юртларида (айниқса, вилоятларда) мавжуд бўлган замонавий жиҳозларни анча кўпайтириш, жумладан, юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш талаб этилади.

— Демак, Республика олий таълим кенгаши мажлисларида сиз келтириб ўтган муаммолар муҳкама қилинади.

— Фақат булар эмас. Айтиш лозимки, 22 нафар аъздан иборат кенгаш таркибиде тегишли вазирлик ва идо-

“Энг ўткир муаммо таълим соҳасида коррупция ҳолатларининг давом этаётганида. Давлатимиз раҳбари томонидан ушбу салбий иллатға қарши курашиш, жумладан, “коррупциясиз олий таълим”ға эришиш бўйича жиддий вазифалар қўйилди.

раларнинг мутахассислари билан бир қаторда, олий таълим муассасаларининг ректорлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Фанлар академияси ва Ёшлар иттифоқи, шунингдек, бизнес ҳамжамияти, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва блогерлар, фуқаролик жамияти вакиллари бор. Кенгаш аъзолари сафига хорижда ишлаётган ватандошларимиз ҳам киритилган. Биринчи мажлисининг ўзидёқ кўрсатдики, кенгашнинг ҳар бир аъзоси олий таълим соҳасидаги муаммолар, уларнинг ечимини бўйича ўз фикр ва қарашига эга. Ҳар бир фикр биз учун қимматли. Илоҳи борица кўпроқ фикрларни

ҳисобға олиш мақсадида биз, энг аввало, талабалар, профессор-ўқитувчилар, иш берувчилар, фуқаролик жамияти вакиллари ўртасида сўров ўтказдик. Олий таълим сифатини ошириш учун долзарб масалаларни аниқлашға ҳаракат қилдик. Сўров натижаларига

2030 йилға бориб,

Ўзбекистоннинг камида 10 та

олий таълим муассасаси

умумэтироф этилган жаҳон

рейтинглари бўйича 1 000 та энг

яхши олий ўқув юрти сафига

кириши, шунингдек, Ўзбекистон

Миллий университети ва

Самарқанд давлат университети

500 та энг илғор олий ўқув юрти

сафидан ўрин эгаллаши

мўлжалланмоқда.

таяниб, ишни янада аниқ режалаштириш, мавжуд муаммолар ечимини излаш ва муайян натижаларға эришиш учун ўз фаолиятининг энг муҳим йўналишларини белгилаб олиш мумкин.

Олий таълимни давлат томонидан бошқариш тизими самарадорлигини, олий ўқув юртлари қандай шароитларда ишлаётгани ва талабалар қандай ўқиётганини мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш ҳам катта аҳамиятга эга. Шундай таҳлил асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, талабаларни ўқитиш юзасидан тегишли тақлифлар ишлаб чиқилади.

Биз, шунингдек, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича ҳам тақлифлар ишлаб чиқишимиз керак. Тизимда шаффофлик ва ҳолислик таъминлайди амал қилиши, унда коррумпция сингари салбий иллатлар тугатилиши учун бу жуда ҳам муҳим. Афсуски, кейинги пайтда олий ўқув юртларида коррумпцияға шароит яратувчи омилларни бартараф этишға қаратилган комплекс чора-тадбирлар қўрилганиға қарамай, аҳоли орасида “институтта фақат пул билан кириш мумкин”, деган фикр ҳанузгача кенг тарқалган. Жамоатчилик назорати фақат шу муаммони ечиш учунгина зарур эмас. Бундай назорат олий таълим сифати устидан ҳам ўрнатилса, талабалар юқори даражада ва белгиланган ҳажмда билим оладилар. Бундай назорат муаллимларнинг маъруза ва амалий машғулотларға тайёргарлик қўриш ҳамда уларни ўтказиш жараёниға бўлган масъулятини оширади.

Булар — кенгаш олдида турган вазифалардан айримлари, холос. Ва биз уларни бажариш устида ишларни бошлаб юбордик.

— Кенгаш нодавлат нотижорат ташкилот шаклида тузилган бўлса-да, ваколатлари доираси анча кенг. Масалан, кенгаш томонидан ишлаб чиқилган тақлиф ва тавсиялар камида бир йилда икки марта Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги коллегиялари мажлисларида кўриб чиқилиши, натижалари бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниши белгиланган.

— Қўшимча қилган бўлардимки, кенгаш тайёрлаган тақлиф ҳамда тавсиялар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан кўриб чиқилиши мажбурий бўлса, таркибиде олий ўқув юртлари бўлган вазирлик ва идоралар, шунингдек, таълим муассасалари томонидан ҳам кўриб чиқилиши керак. Улар кенгаш фаолиятини амалга оширишға ҳар томонлама кўмаклашиши, талаб қилинган маълумотни тақдим этишлари лозим бўлади. Бундан ташқари, кенгаш ҳар чоракда Президент Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига ўз фаолияти давомида ишлаб чиққан тақлиф ва тавсиялари ҳақида ахборот киритади.

Дарҳақиқат, кенгашнинг ваколатлари катта. Шу билан бирга, олдиға қўйилган бу вазифаларни ҳал қилишда улкан масъулият ҳам деганидир. Такрор айтман, вазифалар мураккаб. Аммо кенгашда шундай инсонлар тўпланганки, улар мамлакатимизда олий таълим қандай ривожланишидан манфаатдордир. Университет ва институтларимиз халқаро майдонда рақобатбардор бўлишни, кўпроқ йиғит-қизлар олий таълим олиб, юқори малакали мутахассис сифатида меҳнат бозоридеги талабға жавоб беришларини, Ўзбекистон раҳбарияти олиб бораётган ислохотлар рўёбига муносиб ҳисса қўлишни истайдилар.

Собир АЛИЕВ
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.

ИНФЛЯЦИОН ТАРГЕТЛАШ

нарх барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга

Инфляция, унинг сабаб ва оқибатлари билан тўқнаш келмаган мамлакат бўлмаса керак. У дунёнинг аксарият давлатлари иқтисодиёти учун тўғри маънода энг “огриқли” масалалардан бири сифатида эътироф этилади. Шу боис унинг сабаб ва оқибатларини самарали бартараф қилиш йўллари ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайди.

Президентимизнинг 2019 йил 18 ноябрдаги “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ҳам айни шу мақсадда қабул қилинган муҳим ҳужжатдир. Унга кўра, Марказий банк инфляция даражасини 2021 йилда 10 фоизгача пасайтириш ҳамда 2023 йилда 5 фоиз даражадаги доимий инфляцион мақсадни (таргет) ўрнатиш йўли билан 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб пул-кредит сиёсати механизмларини босқичма-босқич инфляцион таргетлаш режимига ўтказди.

Таҳлил

Янги стандартга асос бўлган тизим

Инфляцияни таргетлаш инглизча “inflation targeting” сўзидан олинган бўлиб, унинг пировард мақсади — пул-кредит сиёсати режими, унинг якуний мақсади нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади.

Инфляцияни таргетлаш гоёсининг муаллифи, таниқли швед иқтисодчиси Юхан Густав Кнут Висксель “Агар нархлар кўтарилса, фоиз ставкаси-ни ошириш керак, нархлар тушса, фоиз ставкаси пасайтирилиши керак. Фоиз ставкалари нархларнинг ўзгариши кейинги ёки бошқа йўналишда ўзгаришни талаб қилгунча қадар уни янги даражасида ушлаб туриш керак”, деган гоёни илгари суради.

Инфляцияни таргетлаш тизимига ўтган асрнинг 80-йилларида биринчи бўлиб Янги Зеландия ва Канада ўтишга қарор қилди. Кейин Буюк Британия, Финляндия, Швеция, Австралия ва Испания улarga қўшилди. Мазкур тизимнинг кенг тарқалиши пул-кредит сиёсатида янги стандарт яратди. Натижада 2017 йилда инфляцияни таргетлаш тизими дунёнинг 38 мамлакатида, жумладан, Япония ва Европа ҳудудларида ишлай бошлади.

Энг муҳими, 1997-1998 йиллардаги Осиё молиявий инқирозидан кейин инфляцион таргетлаш дунёнинг ривожланаётган мамлакатлари орасида машҳурликка эришди. 2017 йил ҳолатига кўра, ушбу тизим тарафдорлари орасида ривожланаётган давлатларнинг улуши 73 фоизга етиб, Осиё мамлакатлари ҳисобиغا кўрсаткич ўсишда давом этмоқда.

Иқтисодий соғлом муҳит яратиш зарур

Умуман олганда, Марказий банк-ка инфляция керакми? Истеъмолчилар нуктаи назаридан, инфляциянинг умуман бўлмаслиги, нархлар кўтарилиш ўрнига пасайиши, яъни дефляция ҳолати жуда яхши натижадир. Аммо иқтисодий назарияга кўра, бу — жуда хавфли жараён. Сабаби, у истеъмолга зарар етказади. Одамлар бирон-бир маҳсулот нархининг келгусида арзонлашишини тахмин қилса, маълум вақт давомида харид қилмайди. Бу эса товар, пул айланмаси жараёнларини сезиларли даражада секинлаштиради. Шунинг учун марказий банклар инфляция ва дефляция билан курашишга ҳаракат қилади. Шу боис инфляция ва дефляция ўртасида танлов қилиш керак бўлса, ўртача инфляция афзалроқдир.

Асосий қийинчилик, бу — нархларнинг ўртача даражада кўтарилиши учун иқтисодий соғлом муҳитни яратиш ва бунинг учун инфляцион таргетлаш тизимидан фойдаланишдир. Марказий банк кредит беришни рағбатлантириш ва иқтисодиётни ўсишга ундаш учун асосий ставкани пасайтиради. Агар иқтисодий ўсиш сезиларли даражада кузатилса, унда талаб бозордаги тақлибдан юқорига чиқади. Бу нархнинг ошишига сабаб бўлади.

Аммо бошқа омиллар ҳам нархларнинг кўтарилишига олиб келиши мумкин. Масалан, бу валюта курсининг ўзгариши ёки бошқа ҳолатлар. Инфляцияни режалаштирилган даражада ушлаб туриш эса Марказий банкнинг энг асосий вазифаларидан биридир.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий жабҳаларидаги нархлар тебраниши-ни юқори даражадаги аниқлик билан акс эттириш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун мамлакатимизда ҳам жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, инфляция даражасини акс эттирувчи асосий кўрсаткичлардан бири — истеъмол нархлари индекси кузатувлари статистика органлари томонидан амалга оширилади.

Кузатувдаги товар ва хизматлар тўплами янада кенгайди

Ўзбекистонда Халқаро валюта жамғармасининг техник ёрдами билан 1994 йилдан бошлаб истеъмол нархлари индексларини ҳисоблаш тизими жорий этилган. Дастлаб ҳисоб-китоблар бўйича кузатувдаги товарлар ва хизматлар рўйхати 285 та маҳсулотдан ташкил топган бўлса, бозор иқтисодиётининг реал талабларидан келиб чиқиб, ушбу рўйхат 2012 йилда 305, 2017 йилда 350, 2018 йилдан эса 386 тага кенгайтирилди.

Сўнгги йилларда статистика соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида 2020 йилдан бошлаб товарлар ва хизматлар тўплами сони 510 тагача кенгайтирилди. Статистика соҳасида дунёнинг етакчи мамлакатлари ҳамда халқро ташкилотларнинг таъсирига асосан, ушбу рўйхатнинг кенгайтирилишидан кўзланган асосий мақсад умумий инфляцион кўрсаткичнинг шаклланишида аниқ турдаги товарлар ва хизматлар таъсири даражасини янада аниқроқ баҳолашдир.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: авваллари инфляцияга таъсир қилувчи товарлар ва хизматлар нархлари ўрганилмаганими? Гап шундаки, бугунги кунда амалдаги маҳаллий таснифлагичга асосан,

истеъмолдаги товарлар ва хизматлар содда қилиб айтганда, “микро” даражадаги гуруҳлар каби шакллантирилган.

Бугунги кунда соҳада амалга оширилаётган ислохотлар туфайли тизим иш фаолиятида нархларни рўйхатга олиш жараёнларида замонавийлаштириш, шу билан бирга, инсон омили натижасида вужудга келиши мумкин бўлган хатоликларни самарали бартараф этиш мақсадида янги электрон дастурлар ва қурилмалардан (планшетлардан) кенг фойдаланишни жорий этиш мақсад қилиб белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, тизим иш фаолияти самарадорлиги ҳамда тезкорлигига, ортиқча ресурсларнинг сарф-харажатлари қисқартирилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳукумати томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ишлаб чиқилган бир қатор чора-тадбирлар ижроси юзасидан барча шаҳар ва туманлар кесимида асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари мониторинглари доимий равишда олиб борилмоқда. Шу ва шунга ўхшаш ташкил

этилган бир қатор нархлар кузатуви-нинг пир-овард мақсади шуки, жамиятимизнинг истеъмол секторида кузатилаётган нархлар тебраниши ҳолатлари юзасидан тезкор ахборотларни шакллантириш ҳамда унинг на-тижалари бўйича ҳукумат идораларини хабардор этишдир. Зеро, ушбу шаклланаётган маълумотлар асосида мутасадди ва-зирлик ва идоралар нархларнинг асосий қимматла-шишининг олдини олиш бўйича аниқ амалий тад-бирлари ишлаб чиқиш-лари учун хизмат қилади.

Қисқача айтганда, инфляция кўп қиррали ҳо-дидир. Унинг олдини олиш эса инфляцион таргетлаш тартиб-таомилларининг нечоғли қўлланилишига боғлиқ.

Муҳтор УМАРОВ,
Давлат статистика қўмитаси
нархлар статистикаси бошқармаси
бошлиғи.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
қўмита ахборот хизмати раҳбари.

Молия муассасаларида

Акциядорлик тижорат “Асака” банки томонидан Самарқанд вилоятига уюштирилган пресс-турда ўндан ортиқ марказий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Хозирги пайтда Самарқандда мазкур банк молиялаштирган кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари, инвестицион лойиҳалар ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчалари самарали фаолият кўрсатмоқда.



«Асака» банки Самарқандга ПРЕСС-ТУР УЮШТИРДИ

Пресс-тур қатнашчилари дастлаб “Sam anter gilam” МЧЖда бўлишди. Банкнинг ушбу мижози гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда сотиш билан шуғулланади. Корхона “Асака” банки билан иккита йирик лойиҳани амалга оширмоқда. Бунинг учун 4,5 миллион евро микдориде кредит ажратилган.



Корхона 2000 йилда ўз фаолиятини йўлга қўйган бўлиб, бугунги кунда минг нафардан ортиқ юрдошларимиз меҳнат қилмоқда. Уларнинг самарали ишлашлари учун барча кулайлик яратилган.

Бу ерда маҳаллий гранула хом ашёсидан полипропилен калава ип ҳамда 50 турдан ортиқ 200 дан зиёд дизайндаги гилам маҳсулотлари тайёрланади. “SAG”нинг йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 240 миллиард сўмни ташкил этиб, шундан 14 миллион АҚШ доллари микдоридеги маҳсулот Германия, Франция, Швейцария, Италия, Бельгия, Нидерландия, Америка Қўшма Штатлари каби ривожланган мамлакатларга экспорт қилинади.

— Корхонамиз Европа давлатларидан келтирилган замонавий дастгоҳ ҳамда технологиялар билан тўлиқ жиҳозланган, — дейди “Sam anter gilam” МЧЖнинг молиявий ишлар бўйича директори ўринбосари Бекзод Бегматов. — Албатта, бунда “Асака” банки томонидан берилган имтиёзли кредитларнинг ҳиссаси катта. Умуман олганда, кейинги йилларда корхонамиз ишлаб чиқариш қуввати ошиб, маҳсулотларимиз сифати ҳам юксалиб бормоқда. Ташки бозорда гиламларимизга бўлган талаб ортаётгани боис савдо ўйлари сони-ни ҳам кўпайтирдик.

Шунингдек, журналистлар “SAG” қошида очилган “Tuft and Grass” МЧЖ ҚК фаолияти билан ҳам танишдилар. Мазкур завод “Асака” банкнинг 1,9 миллион евро микдоридеги маблағлари эвазига фаолиятини ривожлантирган. Корхона 2017 йилда иш бошлаган. Хозирги кунда бу ерда 15 турдан ортиқ сунъий чим ва ковролан тайёрланади. Маҳсулотлар ички бозорда сотилиши билан бирга, Буюк Британия, Бельгия, Швейцария, Германия, Туркия каби ривожланган мамлакатларга экспорт қилинмоқда. 335 нафар ишчи меҳнат қиладиган “Tuft and Grass” йилига 26 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради.

— Маҳсулотларимиз, асосан, елим идишлардан тайёрланади, — дейди “Tuft and Grass” МЧЖ ҚК директори Жаҳонгир Насруллаев. — Илғор технологиялар ёрдамида кунига 20 тоннагача елим идишлар


майдаланиб, ўн минг метр квадратдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Қолаверса, миллий матоларимиздан ҳисобланган духоба тайёрлашни ҳам йўлга қўйганмиз. Ташки бозорда бу маҳсулотларимизга талаб борган сари ортиб бормоқда.

“Samarkand Euro Asia Textile” МЧЖ ҳам “Асака” банкнинг ишончли ҳамкорларидандир. Молия муассасаси мазкур корхонага 39,7 миллиард сўм микдориде кредит маблағлари ажратган.

Корхона эркаклар кўйлақлари ва чойшаблар тайёрлаш ҳамда сотишга ихтисослаштирилган. Маҳаллий аҳоли вакилларидан иборат 225 нафар ишчи йилига 2 миллион дона кўйлақ ҳамда 600 минг дона чойшаб ишлаб чиқаради. Йиллик экспорт ҳажми эса 1,5 миллион долларни ташкил этади.

— Малакали тикувчиларимиз Туркия, Бельгия ва Хитойдан келтирилган технологиялар билан чойшаблар тайёрлаш ҳамда сотишга ихтисослаштирилган. Маҳаллий аҳоли вакилларидан иборат 225 нафар ишчи йилига 2 миллион дона кўйлақ ҳамда 600 минг дона чойшаб ишлаб чиқаради. Йиллик экспорт ҳажми эса 1,5 миллион долларни ташкил этади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтишим керакки, ўтган йили корхонамиз кластер тизимига ўтди. Эндиликда пахта хом ашёсини ўзимиз тайёрлаб, шу ерда қайта ишламоқдамиз. Албатта, бу харажатларни пасайтириб, даромадимиз ошишига замин яратмоқда.



Самарқанддаги “Тонг” МЧЖ ҳам машҳур тадбиркорлик субъектларидан биридир. Корхона “Асака” банки билан 1998 йилдан буён молиявий ҳамкорлик қилиб келади ва банкнинг 1 миллион 824 минг евро маблағи эвазига фаолиятини ривожлантирган. Германия технологиялари билан жиҳозланган бўлиб, маҳсулотлари Россия, Қозоғистон ва Тожикистонга экспорт қилинади.

Пресс-тур иштирокчилари “Асака” банкнинг Самарқанд вилояти филиалида ҳам бўлишди. Журналистлар филиалда яратилган шaroитлар ва кулайликлар билан танишдилар ҳамда мижозлар билан сўхбатлашдилар.

Банк томонидан бундай пресс-турларни республиканинг бошқа ҳудудларига ҳам ташкиллаштириш режалаштирилмоқда.

Банк матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОНЛАР

Аукцион савдолари хабарномаси.

«KO’CHMAS MULK FINANS INVEST» МЧЖ

мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

2020 йил 6 март куни соат 11.00 да ташкил қилинадиган савдога «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Миробод тумани филиалининг 2020 йил 4 февралдаги 06-33/541-сонли бюртмасига асосан, банк ҳисобидаги қуйидаги кўчмас мулклар алоҳида ЛОТ тартибиде чиқарилмоқда.

1-ЛОТ. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 91/1-ўй, Блок-А манзилида жойлашган, умумий майдони 1138,0 кв.м., қурилиш майдони 1056,0 кв.м., фойдаланиш майдони 1737,36 кв.м.дан иборат бўлган 9 қаватли ва ертўлали бинонинг 1 ҳамда 2-қават қисмида жойлашган Ижтимоий, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш биноси. Бошланғич баҳоси — 27 689 669 176 (Йигирма етти миллиард олти юз саксон тўққиз миллион олти юз олтимиш тўққиз минг бир юз етмиш олти) сўм.

2-ЛОТ. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик ҳалқа автомобиль йўли кўчаси, 2/1-ўй, 5-хонадонда жойлашган, умумий майдони 193,69 кв.м., яшаш майдони 128,33 кв.м.дан иборат бўлган 5 қаватли уйнинг 5-қаватидаги тураржой биноси. Бошланғич баҳоси — 1 584 578 580 (Бир миллиард беш юз саксон тўрт миллион беш юз етмиш саккиз минг беш юз саксон) сўм.

3-ЛОТ. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик ҳалқа автомобиль йўли кўчаси, 2/2-ўй, 5-хонадонда жойлашган, умумий майдони 193,69 кв.м., яшаш майдони 128,33 кв.м.дан иборат бўлган 5 қаватли уйнинг, 5-қаватидаги тураржой биноси. Бошланғич баҳоси — 1 584 816 297 (Бир миллиард беш юз саксон тўрт миллион саккиз юз ўн олти минг икки юз тўқсон етти) сўм.

4-ЛОТ. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик ҳалқа автомобиль йўли кўчаси, 8-ўй, 5-хонадонда жойлашган, умумий майдони 193,69 кв.м., яшаш майдони 128,33 кв.м.дан иборат бўлган 5 қаватли уйнинг 5-қаватидаги тураржой биноси. Бошланғич баҳоси — 1 584 334 767 (Бир миллиард беш юз саксон тўрт миллион уч юз ўттиз тўрт минг етти юз олтимиш етти) сўм.

Талабгорлар диққати.

Аукцион савдоси 2020 йил 6 март куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2020 йил 20 март, 3 апрель, 17 апрель, 1 май, 15 май, 29 май, 12 июнь ёки 26 июнь кунлари соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун бюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан иш кунлари 2020 йил 6 март кунигаги савдо учун 5 март, 20 март кунигаги савдо учун 19 март, 3 апрелдаги савдо учун 2 апрель, 17 апрелдаги савдо учун 16 апрель, 1 май кунигаги савдо учун 30 апрель, 15 май кунигаги савдо учун 14 май, 29 май кунигаги савдо учун 28 май, 12 июндаги савдо учун 11 июнь, 26 июндаги савдо учун 25 июнга қадар (байрам ва дам олиш) кунларидан ташқари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аукцион ташкилотчиси билан тузилдиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи микдоридеги закалат пулини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси ҳамда ИНН (СТИР) нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, раҳбарнинг паспорт нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси гоилибга 30 банк иш куни мuddат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш мuddати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO’CHMAS MULK FINANS INVEST» МЧЖ, х/р: 20208000900759233001, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Тошкент шаҳар минтақавий филиали, МФО: 00452, СТИР: 304815549.

Аукцион савдоларига қўйилган мулк билан банк ходими ёки аукцион ташкилотчиси ходими иштирокида жойига қиқиб қанишиш мумкин.

Бюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:
Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-ўй. Тел.: 99-862-16-71.
E-mail: kmfauktion@mail.ru.

Хизматлар лицензияланган.

Танлов

Энг яхши стартап лойиҳалари муаллифлари

Алишер Навоий
номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти
университети талабалари
ўртасида ўтказилган “Энг
яхши инновацион гоё ва
самарали қурилма”
танловининг гоилиблари
тақдирланди.

Натижаларга кўра, Шокиржон
Турсунов 1-ўринни, Нилуфар
Исроилова 2-ўринни, Фотиμα
Ўринова 3-ўринни эгаллади.

«Халқ сўзи».

МУСТАКИЛ АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШГА ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ

«Ўзмелиомашлизинг» давлат унитар корхонаси 2019 йилги молия-ҳўжалик фаолияти натижаларини йиллик мажбурий аудит текширувидан ўтказиш учун аудит ташкилотлари ўртасида танлов эълон қилади.

Аудиторлик ташкилотлари қуйидаги талабларга мос бўлиши зарур:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан аудиторлик фаолиятини амалга оширишга берилган лицензия ва фуқаролик жаовбарлигини сугурталаш полисига эга бўлиши;
- устав жамғармасида давлат улуши 50 фоиздан кўп бўлган корхоналарда ташки аудит ўтказиш ҳуқуқига эга аудиторлик ташкилотлари рўйхатида бўлиши;
- йирик корхоналарда, шу жумладан, лизинг ташкилотларида ҳам аудит хизматлари ўтказиш тажрибасига эга малакали ходимлари бўлиши;
- Танловда қатнашиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:
 - аудиторлик ташкилотининг лицензияси ва гувоҳномаси нусхаси;
 - аудиторлик ташкилотий раҳбари ва аудиторларнинг амалдаги малака сертификатлари нусхаси.

Аризалар, кўрсатиладиган аудиторлик хизматлари учун тўланадиган қиймат белгиланган ҳолда, қуйидаги манзилда 2020 йилнинг 29 февраль кунин маҳаллий вақт билан соат 16.00 гача қабул қилинади.

Юзга келадиган саволлар бўйича 78-150-36-11 телефон рақами орқали шанба ва яқшанбадан ташқари, соат 9.00 дан 16.00 гача мурожаат қилишингиз мумкин.

Белгиланган вақтдан кейин тушган аризалар эътиборга олинмайди.

«Ўзмелиомашлизинг» ДУК манзили: 100 000, Тошкент шаҳри,
Мирзо Улугбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 1-уй.
Телефон/факс: 71-239-46-24.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси
Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиева ўғли
Сардор САЪДИЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz



Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида банк тизимига рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ҳамда 2020 йилдан

бошлаб ҳар бир банкда кенг қўламли трансформация дастури амалга оширилиши, бу борада банкларнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътибор марказида бўлишини таъкидлади.

МИЖОЗ УЧУН ИШЛАШ – ЭНГ УСТУВОР МАҚСАД

БУ «ТУРОНБАНК» АТБ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИДАН БИРИ.



Замонавий ёндашув ва улкан марралар

Ҳозирги кунда банк фаолиятига замонавий бозор механизмларини кенг татбиқ этиш, хусусий ва хорижий капитал ҳисобидан давлат банклари улушини босқичма-босқич камайтириш, кредитлаш сифати ва маданиятини ҳар томонлама юксалтириш, янги молиявий инструментларни ишга тушириш ва илгор ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш

га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу асосда молия муассасасининг жами капитали 2020 йил 1 январь ҳолатига 1,1 триллион сўмини ташкил этди. Бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 198,4 миллиард сўм ёки 22,2 фоиз ошганидан далолат беради. Шунингдек, банк активлари қарийб 6 триллион сўмга етганини катта мамнуният билан айтиш мумкин.

Сармоялар истиқболли лойиҳаларга йўналтирилмоқда

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига банкнинг жами кредит қўйилмалари 4,26 триллион сўмини ташкил қилиб, шундан 365,03 миллиард сўми қисқа мuddатли кредитлар ва 3,9 триллион сўми узоқ мuddатли кредитлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Жами кредитлар қолдигининг 3,8 триллион сўми юридик шахслар ҳамда юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик субъектларига ва 402,2 миллиард сўми жисмоний шахсларга дахлдор. Юридик шахслар ҳамда юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит қўйилмалари қолдигининг 1,6 триллион сўми сановатга, 598,4 миллиард сўми қишлоқ ҳўжалигига, 198,1 миллиард сўми транспорт ва коммуника-

ция соҳасига, 525,7 миллиард сўми қурилиш, 390,6 миллиард сўми савдо, 39,3 миллиард сўми уй-ҳўи коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасига ҳамда 529,7 миллиард сўми иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига йўналтирилган. Микрокредитлар беришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида жами ажратилган молиявий кўмакларнинг 230,2 миллиард сўми микрокредитлардан иборат бўлди.

Банкомат ва инфокиосклар — тезкор хизмат гарови

Яна шуни қўшимча қилиш керакки, банк раҳбарияти нақд пул массасини қисқартириш мақсадида, бутун республика миқёсида тўловларни қабул қилиш имконини берувчи 202 та 7/24 режимда ишловчи ўз-ўзига хизмат кўрсатиш инфокиоскларини жойлаштирди.

Улар орқали коммунал тўловлар, мобил алоқа ва бошқа хизматлар учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш мумкин. Бевосита пластик карточкаларга хизмат кўрсатиш бўйича эса 63 та "Uzcard" ҳамда 57 дон "Humo" банко-

мати ўрнатилди. Ҳозирги кунда "Туронбанк" АТБ тизимида 28 та маҳсус валюта айирбошлаш функциясига эга бўлган банкомат ишлаб турган бўлиб, яна 35 таси харид қилинди ва жойларда аҳоли хизмати учун тақдим этилмоқда.

Орзуингиз рўёбига кўмак беради

Ҳисобот даврида аҳоли бўш пул маблағларини банк кассаларига жалб қилиш ишлари ҳам жадаллаштирилди. 2020 йил 1 январь ҳолатига аҳоли омонатлари қолдиги 522,7 миллиард сўмини ташкил этиб, 2019 йил бошидагига нисбатан 263 миллиард сўм ёки 2 баробар ўсди.

Банк томонидан аҳолига қулай ва манфаатли бўлган миллий валютада "Мобил омонат", "Онлайн омонат", "Экспресс", "Орзу онлайн", "Ҳазина онлайн", "Баҳор онлайн", "Келажак", "Имконият", "Баҳор", "Ҳазина", "Орзу" ва "Барака" ҳамда хорижий валютада "Оптимал", "Сармоя", "Ҳамён", "Мерос", "Профит онлайн", "Ҳамён онлайн" ва "Оптимал онлайн" омонатлари амалиётга жорий этилган.

Қисқаси, маблағларни "Туронбанк"-ка жалб этиш орзулар рўёбига хизмат қилади.

Дарвоқе, ушбу банкнинг энг

асосий мақсадларидан бири — кичик, ўрта ва чакана бизнесни тараққий эттириш ҳамда хизматлар сифатини янада такомиллаштиришдан иборат. Шунинг учун ҳам ўтган вақт давомида ҳудудларда замонавий, ихчам, қулай қўйилган 20 та "банк хизматлари офиси" ташкил этилди. Жорий йил окхирига қадар улар сони 100 тага етказилади. Бундай офисларда аҳолига тезкор хизмат кўрсатиш билан бирга, 24/7 тизимида ишловчи, автоматлаштирилган, миллий ҳамда хорижий валютадаги банкомат ва инфокиосклар ҳам бўлади.

Ҳамкорликда ҳикмат кўп

Ўтган йилда 202,0 миллион доллар миқдорида хорижий кредит линиялари маблағлари жалб қилинган бўлиб, шундан Ҳукумат кафолати остида 130,5 миллион доллар, тўғридан-тўғри музокаралар натижасида эса 51,5 миллион доллар ўзлаштирилди.

Уларнинг манбалари эса Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Хитой Эксимбанки, Халқаро қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш жағмармаси, "Газпромбанк", Хусусий секторни ривожлантириш ва халқаро ислом савдони молиялаштириш корпорациясидир. Шу билан бирга, банк томонидан Ҳукумат кафолати асосида Хитойнинг

Экспорт-импорт банкидан 209,9 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари жалб қилинган бўлиб, мазкур лойиҳа доирасида маблағлар "Ўзбекгидроэнерго" АЖ таркибидagi 14 та ГЭСни модернизация қилишга, янги кичик ГЭСлар қуриш мақсадлари учун эса 94,4 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилди. Бугунги кунда банк томонидан 174 гектар ерда лимон етиштиришга мўлжал-

ланган замонавий иссиқхоналар ташкил этиш бўйича 60 та лойиҳага хорижий кредит линия маблағлари ҳисобидан 43,4 миллион доллар миқдорида кредит маблағлари берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнига мувофиқ юклатилган топшириқларга асосан ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 2019 йилда жами 226 та лойиҳани молиялаштириш учун 556,6 миллиард сўм миқдорида банк кредити ажратилган.



Халқни рози қилишнинг муҳим омили

Мамлакатимизда банклараро рақобат шароитида аҳолига замонавий банк хизматларини кўрсатиш "Туронбанк" АТБнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Бу борада банк молия бозорининг энг жадал ривожланаётган сегменти, яъни чакана хизматларнинг сифати ва қўламини ошириш мақсадида, миқозларга тезкор ва қулай хизмат турларини тақдир этиб келмоқда.

2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк тизимида 38 та халқаро пул ўтказмалари шоҳобчаси фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар орқали ўтган 12 ой давомида жами 237,3 миллион доллар миқдорида пул айланмаси бажарилди. 19 та конверсион бўлим ҳамда 26 та валюта айирбошлаш шоҳобчаси томонидан эса аҳолидан 89,8 миллион доллар қабул қилиниб, конверсия бўлимаси орқали 5,4 миллион АҚШ доллари сотилди. Шунингдек, "Tugonmobile" иловаси орқали ҳам 2019 йил давомида миқозларга 9,8 миллион долларлик конверсия амалиётлари бажарилди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кенгаймоқда

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни кенгайтириш ва пластик карточкалар эмиссиясини кўпайтириш борасида ҳам "Туронбанк" томонидан қатор амалий чоралар кўрилди.

Хусусан, 2019 йилда банк томонидан муомалага чиқарилган миллий валютадаги пластик карточкалар сони 603 081 донани ташкил этди. Шундан 7 550 таси юридик шахсларнинг корпоратив пластик карточкалари ва 5 687 донаси яқка тартибдаги тадбиркорларга тегишли пластик карточкалардир. Қолаверса, ҳисобот даврида жисмоний шахслар учун муомалага чиқарилган пластик карточкаларнинг 55 039 донаси "Humo" тизимида ишловчи банк карталарини ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, 2020 йил 1 январь ҳолатига "Туронбанк" тизимида "Visa" ва "Master Card" халқаро пластик карточкалар тизимида 14 442 та пластик карточка эмиссия қилинган бўлиб, шундан, 6610 донаси "Visa" ва 7832 донаси "Master Card" халқаро пластик карточкаси ҳисобланади. Улар орқали 14,89 миллион доллар миқдоридagi пул маблағлари конверсия орқали ҳамда 1,46 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий валютадаги пластик карталарга кириш қилинган.

Шунингдек, банк тизимида тадбиркорларни қўллаб-қувватлайдиган "лоийҳалар фабрикаси" фаолиятининг йўлга қўйилиши ва банк соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади — тижорат банкларини миқоз учун ишлашга ўргатишдан иборат эканлиги қатъий ўқтирилди.

Қолаверса, банкларда ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш орқали уларнинг дастурий таъминотини тубдан янгилаш лозим. Шу йил 1 июлга қадар "кредит тарихи" ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш зарур, дея қайд этди Президентимиз.

Тадбиркорлар даромадга кирмағунича уларга кредит сўндиришнинг имтиёзли даври белгиланди

"Туронбанк" АТБ аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш, улар бандлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширган ишлари, ҳақиқатан ҳам, эътирофга лойиқ.

Боиси "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида ўтган йил давомида аҳоли ва кичик бизнес субъектларига жами 157,1 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар берилди. Шундан 312 нафар тадбиркорга 43,6 миллиард сўм, 7 116 нафар жисмоний шахсга 113,5 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Ушбу 157,1 миллиард сўмлик имтиёзли кредитларнинг 1,3 миллиард сўми

балиқчиликка, 23,4 миллиард сўми иссиқхона ташкил қилиш учун, 2,3 миллиард сўми қуёвчилик соҳасига, 17,9 миллиард сўми қўй парваришлашнинг ривожлантиришга, 13,8 миллиард сўми паррандачиликни ташкил қилишга, 16,4 миллиард сўми тикувчиликка, 1,6 миллиард сўми бондорчилик соҳаси учун, 37,0 миллиард сўми ишлаб чиқаришни тараққий топтиришга, 5,3 миллиард сўми асаларичиликка,

«ҲАР БИР ОИЛА — ТАДБИРКОР» ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ЎТГАН ЙИЛ ДАВОМИДА АҲОЛИ ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИГА ЖАМИ

► **157,1 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар берилди.**

► **Шундан,**

► **312 нафар тадбиркорга 43,6 миллиард сўм,**

► **7 116 нафар жисмоний шахсга 113,5 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.**



Масофавий амалиётлар учун «ноу-хау»лар

Илгор ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда яратилган "Корпоратив интернет-банкнинг", "Мобил-банкнинг" ва жисмоний шахслар учун мўлжалланган "My Turon" мобил иловалари фойдаланувчиларга тақдим этилган.

Юридик шахслар учун мўлжалланган "Корпоратив интернет-банкнинг" иловаси орқали конвертацияга буюртма бериш, конверсия амалиётларини ўтказиш мумкин.

Шунингдек, жисмоний шахсларга "My Turon" мобил иловаси орқали "Visa" ва "Master Card" халқаро тўлов карталарини очган ҳолда онлайн ре-

жимда исталган вақтда конверсия амалиётларини ўтказиш, банк депозитларига маблағлар киритиш, кредитларни сўндириш, коммунал, бюджет, солиқ, алоқа, интернет ва бошқа қўллаб хизматлар учун тўловларни ўтказиш имкониятлари яратилган. Қолаверса, "Master Card" халқаро тўлов карталаридан ҳам конверсия ва

қайта конверсия қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

"My Turon" мобил иловасини Марказий банк қўшида ташкил этилган "QR-Online" тизими билан боғлаш ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, "My Turon" мобил иловасининг "Web" талқини (версия) яратилиб, ишга туширилди. Жисмоний шахсларга "My Turon" мобил иловасига киритилган янги "Optimal-online", "Profit-online" ва "Online ҳамён" каби омонатларга маблағларни қўйиш имкониятлари яратилди.

IT кадрлари жалб қилинмоқда

Сўнгги йилларда ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш натижасида қатор илгор лойиҳалар амалиётга жорий этилмоқда.

Бу эса автоматлаштирилган банк тизимини янада такомиллаштиришга кўмак бермоқда. Энг муҳими, ушбу ишлар бугунги кунда ҳам изчиллик билан давом эттириляпти.

"Туронбанк" АТБ IT соҳасида етук мутахассисларни тайёрлашга ихтисослаштирилган Тошкент шаҳридаги Инха университети билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Яқинда банкка жалб этилган замонавий билимларга эга 70 нафар ёш кадрнинг 10 на-

фари айнан мазкур олий таълим муассасаси битирувчиларидир. Бундан ташқари, ходимларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги кўникмаларини ошириш учун мунтазам равишда мутахассислар билан учрашувлар, малака ошириш курслари ташкил этиб келинапти. Жорий йилда IT билан шуғулланувчи ходимлар хорижий давлатларнинг етакчи компаниялари ҳамда банкларда стажировка ўташлари ҳам йўлга қўйилади.

Катта ишонч ифодаси

2020 йил 1 январь ҳолатига жами юридик шахслар сони 23 973 нафарни ташкил этди. Бундан ташқари, тизимда 720 316 нафар жисмоний шахсга хизмат кўрсатиб келинаётган бўлиб, шундан омонатчилар 156 801 нафарга, пластик карточка эгалари эса 563 515 нафарга етди.

Қолаверса, ҳисобот даврида 6 095 юридик шахс ўз ҳисоб рақамларини очган бўлиб, бундан 384 таси юрери пул айланмасига эга бўлган корпоратив миқоз ҳисобланади.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, келтирилган рақамлар ижроси халқимизнинг ҳаётида ҳам ўз аксини топтоқда. Кимдир ўз томорқасидан

фойда олишни бошлаган бўлса, яна кимдир фермер ҳўжалигини кенгайтирди, бошқалар эса кичик заводини катта бир кластерга айлантириб, қўшни давлатларга маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилишни бошлади. Бу эса "Туронбанк" иқтисодий-тимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, ишлаб чиқа-

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 64 208 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўқувлар 71-232-11-15.



"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.45 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Гаффаров.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.